

# ШАРТНОМА №61307

«25» ноябрь 2022 йил.

Кўшработ тумани.

Кўшработ туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи бир тарафдан директор: *A. Туранов* ва SHAG'ALSOY BIZNES мчж (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб аталади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор: *К.Хакимбеков* иккинчи тарафдан маъзкур шартномани туздилар.

## 1. Шартнома мавзуси

1.1 “Пудратчи” маъзкур шартнома бўйича “Буюртмачи”га тегишли обектида курилиш таъмирлаш ишларини бажариши учун лойиха-смета хужжатларида кўзда тутилган холда ва белгиланган муддатларда жорий таъмирлаш ишлари ни бажариш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” эса ушбу бажарилган иш-хизматларини тўлиқ қабул қилиб олади хамда бажарилган иш ва хизматларни қабул қилиб олиш ва бажарилган иш ва хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 2. Шартнома бўйича нарх ва хисоблашишлар тартиби

2.1. Иш ва хизматларнинг номи миқдори сифати ва нархи маъзкур шартномадаги 1 жадвалга мувофиқ аниқланади. “Пудратчи” томонидан шартнома бўйича бажариладиган ишлар номи барча солик ва ажратмаларни ўз ичига олган холда кўйидаги нархларда хисобланади.

№	Иш тури	Улчов бирлиги	Шартноманинг умумий суммаси ККС билан
1	Кийким МФЙ 2 куча	сум	114378768

2.2 “Буюртмачи” шартнома тузилганидан кейин маъзкур шартномага асосан 30% миқдорида аванс тўлайди. Ушбу аванс миқдори 34313630,40 сўмни ташкил қиласди. бажарилган иш-хизматларга нисбатан 100 фоиз тўловни бажарилган иш-хизматлар тўлиқ бажарилганидан кейин ишнинг тутатилган кунидан бошлаб бир йил муддат ичиди “Пудратчи”нинг хисоб ракамига тўлайди.

2.3 Шартноманинг бахоси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланган «келишишлган нархни аниқлаш тўғрисида»ги методик кўлланмасига асосан хисобланади ва унга Пудратчининг хамма харажатлари ва соликлари Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 3-сентябрь 375-сонли қарорини 8-иловасини 7-бандига асосан тузилади. Томонларнинг рухсатисиз экспертиза ва текширишдан ўтказилмайди.

2.4 “Буюртмачи” ва “пудратчи” ўртасида бажарилган иш-хизматлар ўзгарган тақдирда хисоб-китоб томонларнинг ўзаро келишувлари асосида хал қилинади.

## 4. Шартнома шартлари

4.1 “Пудратчи” шартномада кўзда тутилган барча ишларни тақдим этилган лойихаларга асосан хамда Давлат стандартлари талабларига мос равишда бажаради.

4.2 Ишлар ва хизматларга эгалик хукуки “Буюртмачи”га лойиха смета хужжатларида кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилганидан кейин иккала томон ўртасида тузилган топшириш ва қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилганидан кейин ўтади.

4.3 “Пудратчи” томонидан курилиш даврида ўзгартиришлар киритилган тақдирда иш турларига смета килиниб ушбу смета нархларидан тўловлар амалга оширилади.

4.4 “Пудратчи” шартномада кўрсатилган ишларни бажаришда ёрдамчи пудратчилар хизматидан фойдаланилади хамда ёрдамчи пудратчининг номи манзили балансида техникаси бор ёки йўқлиги тўғрисида “Буюртмачи”ни хабардор киласди.

## 5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 “Буюртмачи” қабул қилиб олинган иш ва хизматлар учун тўловни тўғри ва хаққоний равишда расмийлаштириб ўз вақтида тўлаб беради бунда ишлар киймати узил кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Кўйидаги холлар бундан мустасно:

1. Табиатнинг енгиг бўлмайдиган холатлари сел тошқинлар оқибатида юзага келганида.
2. Иш-хизматлар нархи “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганида.
3. Форс-Мажор холатларида.

Тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча келишув асосида расмийлаштирилади.

5.2 “Пудратчи” ойниниг 25-санасига жбий ойда бажарилган иш-хизматлар тўғрисидаги тегишли хужжатларини “Буюртмачи” га тақдим қиласди.

5.4 “Пудратчи” ушбу шартномага асосан бажарилган иш хизматлари учун (Бир) ой мухлатга кафолат беради.  
5.5 “Пудратчи” иш ва хизматларни бажариш вактида Экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига тўлиқ амал қилиши лозим.

5.6 “Буюртмачи” обект фойдаланишга топширилган кунига қадар “пудратчи” томонидан олиб борилаётган курилиш майдонида техника хавфсизлиги ва ишларни бажараётган худудда харакат хавфсизлигини таъминлаши хамда атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирларни бажариши лозим.

## 6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1 “Буюртмачи” бажарилган иш ва хизматлар хақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Пудратчи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи микдорида пена тўлайди. Бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.3 “Пудратчи” томонидан бажариладиган иш-хизматлар тўлиқ бажарилмаган. Ёки иш-хизматларни бажариш мухлатлари ўтказиб юборилган тақдирда “Буюртмачи” га кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи микдорида пена тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган иш хизматлар умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.4 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларни бошқача тарзда бажарилмаганлиги учун пена тўлаш томонларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6.5 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун маъзкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган тараф иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларида мол мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пена билан қопланмаган заарларни қоплайди.

6.6 Томонлар маъзкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслиги биринчи томон иккинчи томонга нисбатан пена кўллаш тўғрисида талабнома юборишга асос бўлади бунда жавобгар томон пена кўллаш тўғрисидаги талабномани 10 кун мухлат ичидан кўриб чиқиши шарт.

## 7. Келишилмовчиликларни кўриб чиқиши тартиби.

7.1 Маъзкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998-йил 29-август кунидаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида”ги конуни ва бошқа қонун хужжатларига асосан тузилган бўлиб тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча келишилмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида хал килинади. Агарда келишилмовчиликлар келишув йўли билан хал килинмаган тақдирда Иқтисодий судлар томонидан хал этилади.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати.

8.1 Шартнома 25- ноябр 2022 йилдан 31-декабр 2022 йилгача амал қиласди

8.2 Шартнома иккала нусхада тузилган бўлиб иккала нусхаси хам бир хил қонуний кучга эга.

## ТОМОНЛАР МАНЗИЛИ ВА БАНК ХИСОБ РАКАМИ

“Буюртмачи”

Nomi: Qo'shrabot TYFYK

Manzili: Qo'shrabot tuman E.Jumanbulbul ko'chasi 27-uy

YaFG'X: 4700 10 860 18216 7045 193 118 001

STIR: 200 749 937 OKED: 42 110

Тўлов реквизитлари: Молия Вазирлиги Ғазначилиги

x/p: 2340 2000 3001 0000 1010

STIR: 201 122 919

MFO: 00014

Direktor

A.Titronov

Yurist



“Пудратчи”:

“SHAG'ALSOY BIZNES” МЧЖ

Манзил Кўшробот туман

x/p: 20208000700251356001

Сам фил Ўз. Ўз ТИФ Миллий банк

МФО: 00278 ИНН 302651953

ОКОНХ: 42110 QAND

Директор: K.Hakimbekov

